

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ТАРЖИМА ФАКУЛТЕТИ
НАЗАРИЙ ТИЛШУНОСЛИК ВА ШАРҚ ТИЛЛАРИ КАФЕДРАСИ

САЙФИДИНОВА ШАХЛО АКРАМ ҚИЗИ

**СОДДА ГАП СИНТАКТИК ДЕРИВАЦИЯСИ (араб ва ўзбек тиллари
материалларида)**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: проф. Н.К. Турниёзов

БМИ назарий тилшунослик ва
шарқ тиллари кафедраси
мажлисида муҳокама қилинди
ва ҳимояга тавсия этилди.

Баённома № _____

2014 йил “ _____ ” май

Кафедра мудир:

ф.ф.н.,доц. А. Туробов

САМАРҚАНД – 2014

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Тилнинг нутқда қўлланилиши масаласи тилшунослик фанининг бугунги тараққиёти даврида ўта муҳим аҳамият касб этиши изох талаб қилмайди, зеро, мазкур масала лингвистик тадқиқотларимиз кун тартибига анча кечикиб кириб келди. Бунинг асосий сабаби шундаки, тилшунослар диққати кўп йиллар мобайнида тилнинг мураккаб системаси ва унинг ўзига хос муаммоларини ўрганишга қаратилди ва ана шу боис нутқ лингвистикаси талқини масалалари иккинчи даражали аҳамият касб этди. Бироқ тилшунослик фанининг бугунги даврига келиб, тилнинг нутқда қўлланилиши, бунда инсон омилининг ўрни ва бу билан боғлиқ бўлган когнитив-прагматик муаммоларни ўрганишга ҳам эҳтиёж туғилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари тадқиқи масаласининг ҳам нуфузини оширади.

Равшанки, дериватология муаммоларининг ҳар қандай тури ҳам тил системаси бирликларининг нутқда реал қўлланилиши билан узвий боғлиқ. Айниқса, синтактик деривация ҳодисаси тамойиллари бу жиҳатдан ғоят муҳим аҳамият касб этади. Чунки сўзларнинг нутқ жараёнида ўзаро муносабатга киришуви кишилар ўртасида мулоқот шаклланишининг асосий воситасини тақозо этади.

Таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунгача синтактик деривацияга доир кўпгина тадқиқотлар амалга оширилди. Бироқ, бу ишлар ҳали масала тавсифининг у ёки бу жиҳатларинигина ташкил этади. Аммо, шундай бўлса-да, бу соҳада айти пайтда олиб борилаётган тадқиқот ишлари шу билан аҳамиятлики, улар қилинажак глобал тадқиқотларимиз учун пойдевор вазифасини ўтайди. Шунингдек, инсон ижтимоий фаолиятини ўзида тўла акс эттирган “ҳаракатдаги” “жонли нутқни” инсон мафкураси билан боғлиқ сиёсий ва лисоний ҳамоҳанглиги танланган мавзунинг долзарблигини билдиради. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек: «... фаннинг вазифаси келажагимизнинг шакл-шамойилини яратиб бериш,

эртанги кунимизнинг йўналишларини, табиий қонуниятларини, унинг қандай бўлишини кўрсатиб беришдан иборат»¹.

Тадқиқотнинг мақсади. Тадқиқотнинг мақсади ҳозирги араб ва ўзбек тили материаллари асосида гап структурасининг деривацион хусусиятлари камровидаги синтактик деривация ҳодисаси ва у билан боғлиқ масалаларнинг илмий талқинини беришдан иборат бўлганлиги учун, унда дастлаб дериватология фани ва унинг шаклланиши хусусида, сўнг араб ва ўзбек тилларида гапнинг лингвистик табиати ва гап структурасининг деривацион тамойиллари ҳақида маълумот берилади. Бундан ташқари, синтактик деривация асосланадиган туб ва таянч структуралар, синтактик структураларнинг предикативлик ҳодисасига муносабати хусусида ҳам атрофлича сўз юритилади.

Тадқиқот объекти. Тадқиқот объектини асосан ҳозирги араб ва ўзбек тилидаги гап қолипидаги нутқ бирликлари ташкил этади.

Тадқиқот предмети. Ишда фактик тил материали сифатида ҳозирги араб ва ўзбек ёзувчиларининг асарларидан фойдаланилди.

Тадқиқот вазифалари. Тадқиқотда кўзда тутилган асосий мақсадга қуйидаги вазифаларни бажариш билан эришилди:

-дериватологиянинг тилшунослик фанининг алоҳида бўлими сифатида шаклланишининг тарихий илдизларини аниқлаш;

-гапнинг лингвистик мақоми ҳақида маълумот бериш ва гап ҳақидаги олимлар фикрларини таҳлил қилиш;

-гапнинг предикативлик ҳодисасига муносабатини ҳамда предикативлик ҳодисаси хусусида тилшуносларнинг қарашларини ўрганиб чиқиш;

-туб структура ва унинг лингвистик табиати тўғрисида маълумот бериш;

-таянч структура ва унинг функционал салмоғини кўрсатиш;

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.-Тошкент: Шарқ, 1998,25-бет.

-гап шаклининг кенгайишини аппликатив модель асосида кўрсатиб бериш;

- **Тадқиқотнинг методологик асоси ва методлари.** Тадқиқот материалининг илмий талқинига диалектиканинг индуктив ва дедуктив усуллари, шунингдек, Президентимиз И.Каримов асарларида фанимиз олдида қўйилган вазифалар методологик асос бўлди. Тадқиқот мавзусини ёритишда ҳозирги кунда тилшуносликда кенг тарқалган таснифлаш ва дистрибутив, трансформацион ва аппликатив методлардан кенг фойдаланилди. Жаҳон тилшунослигида, шу билан бирга ўзбек тилшунослигида кейинги пайтларда қўлга киритилган ютуқлар тадқиқот учун назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.

1. Мазкур ишда гап структурасининг деривацион тамойиллари биринчи марта араб ва ўзбек тиллари қиёсида тадқиқ этилди;

2. Араб ва ўзбек тиллари материали асосида туб структура, туб структура замирида шаклланган таянч структура ва унинг лингвистик табиати ҳақида маълумот берилди;

3. Араб тилида биринчи марта гап шаклининг кенгайиши, туб, таянч ҳамда ҳосила структуралар кўрсатиб берилди;

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти биринчи галда тил тараққиёти деривацион қонуниятларининг боғланишли нутқ материалини татбиқ этилишида кўринади. Нутқ бирликларининг (масалан, гап, қўшма гаплар, мураккаб синтактик қурилмалар) синтактик деривацияси муаммоларининг тадқиқи бобида ўзбек тилшунослигида ҳам монографик ишлар бажарилди. Бироқ араб ва ўзбек тилларини қиёслаб ўрганиш бобида ҳали бундай ишлар бажарилгани йўқ. Ушбу тадқиқот араб ва ўзбек тилларини қиёслаб ўрганишда, тилшуносликнинг алоҳида бўлими сифатида мустақил шаклланган янги соҳа – дериватология йўналишдаги тадқиқотлар учун маълум даражада назарий асос сифатида хизмат қилиши мумкин.

Битирув малакавий ишнинг тузилиши ва ҳажми. Иш кириш, 3 боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 53 бетни ташкил этади.

БИРИНЧИ БОБ

ДЕРИВАТОЛОГИЯ ВА УНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Дериватология тилшунослик фанининг алоҳида йўналиши сифатида бугунги кунда ўзининг мустақил мақомига эга. У деривация муаммоларини ўрганишга хосланганлиги боис, этимологик нуқтаи назардан мазкур тушунча билан узвий боғланади. Маълумки, бирор атамани қўллашдан олдин унинг моҳиятини, мазмунини шарҳламоқ лозим. Шундай экан, дастлаб деривация сўзининг луғавий мазмунига эътибор берайлик. Бу сўз аслида латин тилидан олинган бўлиб, (*derivatio*), бирор бир нарсанинг иккинчисидан ажралиб чиқишини билдиради. Бошқача айтганда, деривация деганда бирор бир элементнинг иккинчи бир элементдан тармоқланиб, ажралиб чиқишини англатади. Бу ўринда профессор К.А.Ганшинанинг мазкур сўзга “французча-русча луғат” ида берган қуйидаги тавсифи диққатга сазовордир *derivation* – а/ ажралиш, тармоқланиш; б/ четлаштириш; в/ сўз ясалиши; г/ айланиб ўтиладиган йўл; д/ фарқланиш¹.

Кўришиб турибдики, “деривация” сўзининг юқорида келтирилган маънолари ичида фақатгина “сўз ясалиши” тушунчаси грамматик эътиборга молик. Ана шунинг учун ҳам тилшунослик фанининг ҳозирги босқичига қадар “деривация” атамасини фақатгина лексик планда, яъни сўз ясалиши мазмунида ишлатилиб келинган. “Синтактик деривация” тушунчаси эса юқорида эслатиб ўтилганидек, тилшунослик атамаси сифатида эндигина қўллана бошлади.

“Дериватология” термини эса 1981 йилда Перм университетида “Дериватологиянинг назарий муаммолари” мавзусида ўтказилган нуфузли илмий конференцияда қабул қилинди ва ҳаётга йўлланма олди.

Ҳозирги тилшуносликда деривация назариясидан сўз бирикмалари, гап, мураккаб синтактик қурилма ва матн каби нутқ бирликларининг шаклланиши муаммоларини ўрганишда кенг фойдаланилмоқда. Бугунги кунда

¹. Қаранг: Ганшина К.А. Французско-русский слорарь. – М., 1960.

дериватологик тадқиқотларда истеъмолга киритилиши лозим бўлган терминлар ва дериватология шуғулланиши лозим бўлган вазифалар аниқ белгиланган дейиш мумкин.

Шуни ҳам айтиш лозимки, дериватология муайян бўшлиқда пайдо бўлгани йўқ. Бошқа фанлар каби унинг ҳам тарихий илдизлари мавжуд. Хусусан, ҳинд олими Панини, Ўрта Осиё олими М.Кошғарий, рус олими М.В.Ломоносовнинг ишларида дериватологиянинг учқунларини кўришимиз мумкин. Кейинчалик эса олимларнинг эътиборлари синтактик деривация назариясига қаратилганилигини кўрамиз. Олимлар синтактик деривация ҳосиласи тўғрисида фикрлар юритишган.

Ҳосила структура масаласи синтактик нуқтаи назардан дастлаб поляк тилшуноси Ежи Курилович томонидан кун тартибига қўйилади. Мазкур масала тавсифи унинг 1936 йилда чоп этилган “Лексик деривация ва синтактик деривация” деб номланувчи ишида ёритилади¹. Бироқ шундай бўлишига қарамай, умумий тилшуносликда унга кўп йиллар давомида жиддий аҳамият берилмади. Фақат 1962 йилга келиб, Е.Куриловичнинг мазкур иши рус тилига таржима қилинди ва рус тилшунослигида бу соҳада маълум даражада бурилиш ясалди. Фикримиз исботи учун баъзи ишларни кўрсатиб ўтамиз: Мурзин Л.Н., Шарина О.М. Деривация структур сложноподчинённых предложений в русском языке—Пермь,1971; МурзинЛ.Н. Синтаксическая деривация (на материале производных предложений русского языка). Докторлик диссертацияси. — Л., 1976; МурзинЛ.Н. О деривационных механизмах текстообразования // Теоритические аспекты деривации. — Пермь, 1982; Мурзин Л.Н. Основы дериватологии. — Пермь, 1984; Кацнельсон С.Д. Порождающая грамматика и принцип деривации // Проблемы языкознания.- М., 1967; Кубрякова Е.С. Деривация, транспозиция, конверсия. // ВЯ, 1974, №5; Москальская О.И. Синтаксическая парадигматика и синтаксическая деривация // Проблемы общего и романо-германского языкознания. — М., 1978; Распопов

¹. Қаранг: Kurilowicz J. Derivation lexikale et derivation syntaxique. — BSL, 1936.

И.П., Сычева С.Н. синтаксическая деривация и синтаксическая синонимия // НДВШ, ФН, 1974, №3; Маркелова Т.В. системный подход к русистике. Деривационная типология оценочного значения // Русский язык: исторические судьбы и современность. Матер. II Международного конгр. – М., 2004; Макович Г.В. Деривационная парадигма предложений организованных описательными предикатами // Русский язык: Исторические судьбы и современность. Матер. II Международного конгр. – М., 2004; Анисимова А.Г. Фомина И.Н. Проблема семантической деривации и образования политических терминов // ФН.2006, №6; Трубникова Ю.В. Вопросы деривационного функционирования текста // Русский язык: Исторические судьбы и современность. Матер. III Международного конгр. – М., 2007 ва бошқалар.

Кўриниб турибдики, рус тилшунослигида дериватология масалалари талқинига бағишланган тадқиқот ишлари анча катта салмоққа эга. Бироқ юқоридагилар билан бир қаторда шуни ҳам айтиш керакки, бажарилган ишларнинг аксарияти синтактик деривация муаммолари билан узвий алоқадордир. Сабабки, ўтган асрнинг 50-йилларида дескриптив тилшунослик вакиллари томонидан генератив грамматика масаласи тадқиқотлар кун тартибига қўйилди. Генератив грамматиканинг бош муаммоси эса трансформацион назария билан бевосита боғланади. Бошқача айтганда, трансформацион назария, асосан, синтактик структуралар доирасида қўлланилади. Шунинг учун ҳам синтактик деривация муаммоларини лексик ёки семантик деривация муаммоларига нисбатан мукаммал тадқиқ этилишига сабаблар кўпаймоқда.

Ўзбек тилшунослигида ҳам дериватология муаммолари бир неча монографик тадқиқотлар мавзуси бўлди. Бу соҳада бажарилган қуйидаги диссертацион ишлар мавжуд: Турниязов Н.К. Синтаксическая деривация гипотаксиса в современном узбекском языке (докт.дис.-М.,1986); Бобоев У.Н. Синтаксическая деривация придаточного предложения времени в современном узбекском языке (в сопоставлении с французским языком)

Канд.дис.- Алма-ата, 1992; Гаффоров А.А. Ҳозирги ўзбек тилида парцеллятив ва иловали қурилмаларнинг синтактик деривацияси (Номз.дис. – Самарқанд, 1997); Яхшибоев Ғ.Х. Ҳозирги ўзбек тилида содда гап синтактик деривацияси (Номз.дис. Самарқанд 2004); Турниёзов Б. Ҳозирги ўзбек тилида тенг компонентли мураккаб синтактик қурилмалар деривацияси (Номз.дис. Самарқанд 2006); Шодиев Ф.Т. Ҳозирги ўзбек тилида бир бўғинли сўзларнинг структур-семантик талқини ва деривацион хусусиятлари (Номз.дис. Тошкент,2008); Турниязова Ш.Н. Ҳозирги ўзбек тилида матн шаклланишининг деривацион хусусиятлари (Номз.дис. Тошкент,2010).

Шуни ҳам айтиш лозимки, кўпчилик тилшунослар лексик деривацияни сўз ясалишининг синоними сифатида талқин этадилар. Лексик деривация сўз ясалишини тақозо этади. Уларнинг асосий тамойиллари муштаракдир. Масалан, **сўз ясалиши асоси** ва **ясовчи формант** тушунчалари деривацион нуқтаи назардан ҳам аҳамият касб этади. Бунда фақат терминлар ўртасида фарқ кузатилади. Бошқача айтганда, лексик деривацияда сўз ясаларишининг асоси ўрнига *операнд*, ясовчи формант ўрнига *оператор* терминларидан фойдаланилади. Бироқ лексик деривация сўз ясалишидан фарқли равишда, ҳосила структура (дериват) сатҳида рўй берувчи морфемаларнинг ички муносабатини ҳам текширади.

Синтактик деривация назариясининг эса қўлланиш объектлари ҳозиргача сўз бирикмаси ва гап (шу жумлардан кўшма гап ҳам) саналиб келмоқда. Бироқ бугунги кунда нутқ лингвистикаси мустақил фан сифатида ўз мақомига эга бўлгач, мураккаб синтактик қурилмалар ҳамда матн деривациясини тадқиқи этиш учун ҳам катта эҳтиёж туғилмоқда. Зотан, деривация назариясининг қўлланиш доираси ясама сўзлардан бошлаб макроматнгача бўлган ҳудудни ўз ичига олади. Бу ўринда шуни ҳам айтиш лозимки, тилшунослигимизда мураккаб синтактик қурилма, парцеллятив ва иловали қурилмалар, шунингдек, матн деривацияси муаммолари тадқиқи бобида ҳам йирик монографик тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Шуниси характерлики, мазкур ишларда тил бирликларининг нутққа

кўчирилиши масаласи, шунингдек уларнинг поғонали муносабати шаклланиши ҳамда синтактик парадигматика масалалари талқинига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Бироқ, юқоридагилар билан бир қаторда шуни ҳам айтиш лозимки, семантик деривация масаласи тадқиқи бобида олиб борилаётган ишларнинг ўрганилмаган жиҳатлари ҳали кўп. Бу соҳада ҳали ечилиши керак бўлган муаммолар талайгина. Ваҳоланки, тил бирликларининг амалда қўлланилиши жарёнида семантик деривациянинг ҳам ўзига хос нуфузга эга бўлган ўрни мавжудлигини кўрамиз. Хусусан, парафразаларнинг, фразеологик ибораларнинг шаклланиши семантик деривация ҳодисаси доирасида рўй бериши масаласи ҳали тадқиқталаб бўлиб қолмоқда¹.

Шуниси характерлики, лексик, семантик ва синтактик деривацияларнинг ҳар бирининг илмий тадқиқига бир хил **операнд**, **оператор** ва **дериват** терминлари қўлланилади.

Оператор синтактик деривацияни ва умуман деривация жараёнини вужудга келтирувчи асосий элементлардан бири ҳисобланади. Операторсиз бирор бир деривация амалга ошмайди. Оператор ҳар қандай деривацион жараёнга ҳам (макромаатнлардан ташқари) ташқаридан олиб киритилади ва натажада, у синтактик деривациянинг ҳоким элементи, унинг эгаси бўлиб қолади². Масалан, **мактаб** ва **боғ** сўзларини олиб қарасак, улар айни пайтда мустақил ҳолатда бири иккинчисига бўйсунмайдиган вазиятда берилмоқда. Лекин уларни **мактабнинг боғи** тарзидаги бирикма ҳолатига келтирсак, синтактик деривация шаклланади. Шу синтактик деривацияни **-нинг** ва **-и** аффикслари шакллантирмоқда. Агар шу аффикслар бўлмаганда мазкур бирикма деривацияси юзага келмаган бўлар эди. Шунинг учун у деривация оператори саналади ва унинг ҳоким элементи бўлиб қолади. Оператор вазифаси нафқат сўз бирикмалари, балки гапнинг синтактик шаклланиши

¹. Қаранг: Турниёзов Н.К., Турниёзов Б.Н., Турниёзова Ш.Н. Ўзбек тили деривацион синтаксиси. – Тошкент, 2011.

². Қаранг: Храковский В.С. Трансформация и деривация // проблемы структурной лингвистики – 1972. – М., 1973. – С. 479.

жараёнида ҳам ана шундай белгиланади. Бу ҳақда гапирганда В.С.Храковский куйидаги фикрни билдиради: “Деривация жараёнида гап таркибига киритилган маълум бир мазмунни ифодаловчи элемент ҳосила мазмуни шаклининг мутлақ эгасига айланади”¹. Бу фикрни Н.Турниёзов куйидагича ўзгартириб талқин этади: деривация жараёнида ҳосила таркибига киритилаётган элемент нафақат семантик шаклининг, балки синтактик шаклининг ҳам мутлақ эгаси бўлиб қолади².

Синтактик деривация назариясининг таҳлилида қўлланадиган иккинчи атама “**операнд**” саналади. Операнд тушунчаси синтактик деривациянинг шаклланишига асос бўлган объектни ўзида тақозо этади. Масалан, биз юқорида кўриб ўтган **мактабнинг боғи** бирикмасида иккита операнд иштирок этаётганлигини кўрамиз (мактаб ва боғ). Демак, операнд – бу синтактик шаклланишнинг янги босқичи учун зарурий хом ашёдир.

“**Дериват**” (ҳосила) атамаси синтактик деривациянинг охириги маҳсулини, натижасини ифодалайди. Масалан:

1. *Собир институтга кирди.*

2. *Адолат вазифани бажарди.*

Мазкур гаплар яхлитлигича дериват, яъни ҳосила саналади. Айни пайтда биринчи гапда *Собир, институт, кирди* сўзлари деривация операндларини тақозо этмоқда. Деривация оператори эса **–га** келишик аффикси орқали ифодаланмоқда.

Иккинчи гапда эса *Адолат, вазифа, бажарди* сўзлари деривация операндлари саналиб, оператор вазифасида **–ни** аффикси келмоқда.

Буни араб тилида ҳам кузатишимиз мумкин:

(1) صابر دخل الى الجامعة

(2) عدالة فعلت وظيفة

¹ Храковский В.С. Трансформация и деривация // проблемы структурной лингвистики – 1972. – М., 1973. – С. 479.

² Қаранг: Турниёзов Н.К. Ўзбек тили деривацион синтаксисига кириш. - Самарқанд, 1990.

Араб тилида **عدالة, وظيف, فعلت** сўзлари деривация

операндлари саналиб, оператор вазифасида – **ة** аффикси келмоқда.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, синтактик деривациянинг амалга оширилишида нутқ жараёнининг муҳим аҳамияти бор. Чунки синтактик деривация сўз бирикмалардан бошлаб матнгача бўлган ҳар қандай шаклда ҳам нутқ жараёнида амалга оширилади. Нутқ жараёни, ўз навбатида, тилдан ташқарида бўлган маълум шарт-шароитлар билан ҳам муқаррар равишда ҳисоблашади. Ана шу шарт-шароитлар тил элементларининг нутқда қўлланилишига ҳам таъсир этади, албатта.

Кўринадикки, синтактик деривация тилнинг нутққа кўчирилиши муаммолари билан узвий боғлиқдир, зотан, тил белгилари бир-бирлари билан боғланган ҳолда нутққа кўчирилади ва дериват (ҳосила) шаклланиши учун хизмат қилади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, синтактик деривация назарияси биринчи бўлиб Прага тилшунослик мактабида илмий асосланди. Бироқ синтактик деривациянинг лингвистик тавсифи бобидаги тилшунослар фикрларини тўлиқ муштарак деб бўлмайди. Е. Курилович назариясида синтактик деривация деганда, муайян бир структура асосида шаклланган иккинчи структурв тушунилса¹, В.С. Храковский бу ўринда маълум бир синтактик структурани шаклий кенгайишини тушунади².

Масалан:

Таня открывает окно – Бабушка заставляет Таню открыть окно.

Кўринадикки, В.С. Храковский синтактик деривацияни анча тор маънода тушунади, зотан, гап шаклининг кенгайиши синтактик деривациянинг фақат бир кўринишини тақозо этади.

¹ Қаранг: Курилович Е. Деривация лексическая и деривация синтаксическая // Очерки по лингвистике – М., 1962.

² Қаранг: Храковский В.С. Трансформация и деривация // Проблема структурной лингвистики – 1972. М., 1973. – С. 492.

Л.Н. Мурзин таълимотида синтактик деривация деганда, бирор асос структура замирида шаклланган ҳосила структура тушунилади¹. Бу жиҳатдан олим Е.Курилович таълимотига таянади.

Н. Турниёзов синтактик деривация деганда, таянч структура асосида шаклланган ҳар қандай ҳосила структурани тушунади². Таъкидлаш керакки, Н.Турниёзов ва Л.Мурзин фикрлари ўртасида бу соҳада катта фарқ кузатилмайди.

Бироқ тилшунослар фикрлари ўртасида айрим тафовутлар бўлишидан қатъи назар, дериватологияда деривациянинг барча турлари талқини учун юқорида санаб ўтилган умумий терминлар қабул қилинган.

Равшанки, бир пайтнинг ўзида деривациянинг барча турларини тадқиқ қилиш ва улар ҳақида маълумот бериш қийин, албатта. Шу боис тадқиқот олдига қўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, биз қуйида фақат содда гап хусусида сўз юритамиз.

¹ Қаранг: Мурзин Л.Н. Основы дериватологии. – Пермь, 1984. С. 25-27.

² Қаранг: Турниёзов Н.Қ. Ўзбек тили деривацион синтаксисига кириш. – Самарқанд, 1990, 7- бет.

ИККИНЧИ БОБ

ГАПНИНГ ЛИНГВИСТИК ТАБИАТИ

Равшанки, гап нутқимизнинг шаклланишида ўта муҳим вазифа бажаради. Шу боис тилшунослик фанида гап ва унинг синтактик табиатини ўрганиш олимларнинг ҳар доим диққат марказида бўлиб келди. Аммо шундай бўлишига қарамай, бу соҳада баҳсли масалалар ҳамон мавжуд. Масалан, гапнинг лингвистик табиати, мантиқий ва паралингвистик омилларга муносабати, тилнинг нутққа кўчирилишидаги салмоғи ва нутқий воқеланиши, деривацион хусусиятлари ва шу кабилар. Қуйида ана шу масалалар талқинига қисқача тўхталамиз.

2.1. Гапнинг лингвистик мақоми

Бу ўринда энг аввал шуни айтиш керакки, гап ва унинг лингвистик табиатини ўрганиш масаласи антик даврлардан бошлаб олимларни (тилшунос ва файласуфларни) қизиқтириб келган. Табиийки, бу соҳада улкан тадқиқот ишлари олиб борилди ва улар тилшунослик фани тараққиётига жуда катта улуш қўшди.

Одатда, гапни тугал фикр англатувчи синтактик структура тарзида тавсифлайдилар. Бироқ у орқали тугал фикр англатилишини унинг лингвистик табиатини белгилаб берадиган устувор омиллардан бири деб кўрсатиш, мақсадга мувофиқ эмас. Чунки бундай хислат нутқнинг бошқа бирликларида ҳам кузатилади. Масалан, мураккаб синтактик қурилма, абзац сингари нутқ бирликлари ҳам мудом тугалланган (баъзан нисбий тугалланган) фикр ифодасини беради. Бошқача айтганда, матннинг барча турларида, ҳатто бир сўзли матнларда ҳам тугалланган фикр ифодасини кўрамиз. Шу боис гапни хабар ифодасини берувчи нутқнинг энг кичик бирлиги тарзида ўрганиш, мақсадга мувофиқроқ кўринади.

Лингвистик адабиётларда гапни баъзан тил бирлиги тарзида талқин этишса, баъзан уни тил ва нутқ бирлиги деб, айрим манбаларда эса нутқ бирлиги деб таърифлашади. Бир сўз билан айтганда, гапнинг лингвистик мақоми ҳозиргача тўлиқ аниқлангани йўқ. Х. Хайруллаевнинг тўғри таъкидлашича, тил бирликлари фонема, морфема ва сўздан иборатдир (турғун бирикма, парафраза ва фраземалар ҳам тил бирликларидир, аммо уларнинг қурилиш материаллини сўз тақозо этади). Гапни бир пайтнинг ўзида ҳам тил бирлиги, ҳам нутқ бирлиги деб талқин этиш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Гап нутқда шаклланади ва шу боис у нутқ бирлигидир¹. Агар шундай бўладиган бўлса, тилшунослигимизда изоҳталаб бўлиб турган масалалар сони янада кўпайиши шубҳасиздир. Уларнинг айримларига қуйида тўхталиб ўтамыз. Гапни баъзи тилшунослар тил белгилари жумласига ҳам киритишмоқда. Проф. В.Г.Гак гапни (муаллиф терминологиясида жумлани) тил белгиси деб таъкидлайди. Бунда олим италиялик М.Лисиди, де Моро сингари тилшуносларнинг фраза (жумла) тил белгиси, сўз эса унинг таркибига кирувчи қўшимча белгидир, деган мулоҳазаларига қўшилади².

Айни пайтда шуни ҳам айтиш керакки, гапнинг схемаси ҳам тил белгиси бўлолмайди, зотан, тил системасида схема эмас, белгилар мавжуд. Гап моделлари ёки схемаси ҳам инсон тафаккурида, онгида яшайди.

Бизнингча, бу соҳада Э.Бенвенист билдирган фикр ҳақиқатга яқиндир. Унга кўра, гапнинг белги эмаслиги, унда виртуал маъно йўқлиги таъкидланади. Бу ҳақда олим қуйидагиларни ёзади: «Гап ўз табиатига кўра ноаниқ ва чегарасиз воқелик унсуридир. Бошқача айтганда, гап тилни амалда жонлантирувчи воситадир. Гапда биз тилнинг белгилар системаси ҳақидаги тасаввуримизни тарқ этиб, бошқа бир оламга – ўз ифодасини нутқ орқали белгиловчи алоқа воситаси оламига кириб борамиз (le discours)»³.

¹ Қаранг: Хайруллаев Х. Тил бирликларининг поғонали муносабати. – Тошкент, 2008, 19-бет.

² Қаранг: Гак В.Г. Высказывание и ситуация // Проблемы структурной лингвистики – 1972. – М., 1973. – С. 353; 355.

³ Бенвенист Э. Общая лингвистика. – М., 1974. – С. 139.

Э. Бенвенист гапнинг нутқ бирлиги эканлигини ҳам алоҳида изоҳлайди ва нутқий фаолият айнан гап орқали воқеланишини айтади: «Тил гаплар воситасида воқеланаётган нутқда шаклланади ва истеъмолга киритилади. Нутқий фаолият ҳам ана шу ерда бошланади Масала моҳиятини «*nihil est in lingua quod non prius fuerit in oratione*»- нутқда аввал мавжуд бўлмаган нарса тилда ҳам бўлмайди, деган қадимги ҳикмат орқали далилласак, янада мақсадга мувофиқроқ бўлади»¹.

Нутқ бирликлари, албатта, коммуникатив жараён билан бевосита боғланади. Бу эса, ўз навбатида, тилшунослигимизга яна бошқа вазифаларни юкламоқда. Бошқача айтганда: « Бугунги кунда коммуникация жараёнида тилни сўзловчиларнинг тил ҳақидаги амалий билимисиз, уни эътиборга олмасдан тўғри ва тўлиқ ўрганиб бўлмаслиги аниқ бўлиб қолди»².

Дарҳақиқат, гап (жумла) сўзловчининг нутқий фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган мураккаб синтактик ҳодисадир. Ана шу боис чех тилшунослари гапни (уни жумла тушунчаси билан муштарак ҳодиса тарзида эътироф этишганлари ҳолда) суперсинтактик сатҳ бирлиги сифатида талқин қиладилар³.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларга асосланиб, гапни суперсинтактик ёки нутқ бирлиги тарзида талқин этадиган бўлсак, у ҳолда ҳозиргача амал қилиниб келаётган гап бўлакларига асосланувчи синтактик таҳлил ҳам нотўғри йўналишдадир. Чунки нутқ лингвистикаси эндигина илмий асосланмоқда ва шу боис унинг қонун-қоидалари, таҳлил усуллари ҳам ҳали тўлиқ ишлаб чиқилмаган⁴. Бошқача айтганда, нутқ лингвистикаси тўлиқ

¹ Бенвенист Э. Ўша асар, 140- бет.

² Нурмонов А. Лингвистик таълимотнинг янги босқичи // Ўзбек тили ва адабиёти, 2008, № 6 (50 – 54 б.).

³ Қаранг: Лешка. Л. Иерархия ярусов строя языка и их перекрывание. Тезисы докл. , прочитанного на советско-чехословацком симпозиуме на тему: « Еденицы разных уровней грамматического строя языка и их взаимодействие» .-М., 1967.- С. 5; Trnka B. On the linguistic sign and the multilevel organization of language. « Traraux linguistiques de Prague». – Prague , 1964.-С.38.

⁴ Қаранг: Турниёзов Н. Гап бўлаклари ҳақида баъзи мулоҳазалар // Хорижий филология, 2004, № 4.

илмий асослангандан кейингина унинг бирликлари синтактик таҳлили усуллари ҳақида сўз юритиш мумкин бўлади.

Нутқнинг асосий бирликлари жумласига гап ва матн киритилиши лозим деб ўйлаймиз¹. Бироқ баъзи тилшунослар матнни ҳам тил бирлиги тарзида талқин этишмоқда. Бу ҳақда немис тилшуноси В.Дресслер ва инглиз олими Хэллиделар томонидан айтилган фикр ва мулоҳазалар билан ишимизнинг биринчи бобида танишиб ўтган ва бунга ўз муносабатимизни билдирган эдик.

Гап нутқ бирлиги сифатида мустақил қўлланилиши ҳам, матн компоненти тарзида келиши ҳам мумкин. Бироқ унинг маъно жиҳатлари матн таркибида келиб, бошқа гаплар қуршовида бўлгандагина тўлиқ намоён бўлади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, матн бир сўздан ҳам ташкил топиши мумкин. Аммо бир сўзли матн гапдан кичик бўлишига қарамай, матн мақомига эга бўлганлиги учун, унинг нуфузи гапдан фарқ қилади. Шунинг учун гапни нутқнинг энг кичик бирлиги тарзида кўриш ҳар томонлама тўғрироқ бўлади. Буни матннинг энг катта бирлиги макроматнни сегментлаш жараёнида кўриш мумкин. Зотан, бу жараёнда ҳам нутқнинг кичик сегменти сифатида дастлаб гап ажратилади. Албатта, зарурат бўлганда сўз бирикмасини, сўзни ва ҳатто фонемаларни ҳам нутқнинг сегментлари сифатида ажратиш мумкин. Аммо уларнинг бирортаси ҳам мустақил олинганда хабар ифодасини бера олмайди.

Э.Бенвенистнинг тўғри таъкидлашича, гап тил бирликларининг қўлланилиш объекти саналади. Олим бу ҳақда қуйидагиларни алоҳида қайд этади: “Гап – бу тилнинг қўлланилиши, амал қилиши, ҳаётидир. Гапда биз тилнинг белгилар системасидан иборат эканлиги ҳақидаги тушунчамиздан бир мунча узоқлашиб, бошқа бир дунёга – тилнинг алоқа воситаси

¹ Гапнинг нутқ бирлиги эканлиги ҳақида яна қаранг: Алпатов В. М. Лингвистическая концепция А. И. Смирницкого (к 50-летию со дня смерти) // Вопросы языкознания, 2004. № 5. – С. 97.

эканлигини тақозо этувчи воқеликка кириб борамиз. Мазкур воқелик нутқда ўз ифодасини топади”¹.

Юқорида гап тил белгиларининг қўланилиш объекти эканлиги эслатиб ўтилди, яъни фонема, морфема, сўз каби тил birlikларининг барчаси гап сатҳида кесишади. Бироқ, шундай бўлсада, баъзи тилшунослар гапнинг ўзини ҳам тил белгиси тарзида талқин этмоқдалар. Бундай вазият, албатта, Ф. де Соссюрнинг тил белгилари ҳақидаги таълимотига зиддир. Соссюр тил белгилари сирасига морфема ва сўздан бошқа ҳеч нарсани киритмайди. Бунда олим тил белгиси виртуал характерли бўлишини таъкидлаб ўтади².

Демак, Соссюр таълимотида гап нутқ бирлиги эканлиги таъкидланади³. Олимнинг “Умумий тилшунослик курси” асарида гапни нутқ бирлиги тарзида, фақат “Ер айланади”, “У сизга нима деди?” каби умумий шаблонга айланиб қолган, қўлланишга ҳар доим тайёр бўлган гапларнигина тил бирлиги сифатида ўрганиш мумкинлиги айтилади⁴. Бироқ Соссюр айтгандек, тафаккуримизда биз ниҳоятда кам сонли тайёр ҳолдаги гапларга эгамиз⁵.

Гапнинг нутқ бирлиги эканлигини А.И.Смирницкий ҳам алоҳида таъкидлайди. У гапларни тил бирлиги тарзида талқин этиб бўлмаслигини, улар нутқ маҳсули саналишини ҳамда Соссюр сингари у ҳам тайёр қолипга тушиб қолган”Аҳволлар қалай?”, “Соат неча?” тил бирлиги деб билишини таъкидлайди⁶.

Гапнинг нутқ бирилиги мақомида эканлиги рус тилшунослигида Ф.Ф.Фортунатов, А.А.Шахматов, В.В.Виноградовлар томонидан ҳам таъкидланган эди⁷.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, В.Г.Гак гапни тил бирлиги тарзида изоҳлаган. У : “Жумла – бу тил белгисидир” дея таъкидлар экан, уни

¹ .Бенвенист Э. Общая лингвистика. – М., 1974. – С.139.

² .Қаранг: Соссюр Ф. де. Труды по языкознанию. – М., 1977. – С. 98-111.

³ . Қаранг: Ўша асар, 138;156-бетлар.

⁴ . Қаранг: Ўша асар, 157-бет.

⁵ . Соссюр Ф.де. Заметки по общей лингвистике. – М., 1990. – С. 159.

⁶ . Смирницкий А.И. Лексикология английского языка. – М., 1956. – С. 228.

⁷ . Ўша асар, ўша бет.

мураккаб семиотик белгилар билан қиёслайди¹. Тўғри, семиотик белгилар нафақат жумла билан, балки матн билан ҳам рақобатлаша олади. Бирок жумла сўзлар воситасида ифодаланувчи нутқ бирлигидир ва унда тил белгисига хос бўлган виртуаллик алаоматини кузатиб бўлмайди.

Гапнинг структур схемаси агар тил системасида тайёр ҳолда бўлганида эди, унинг тил бирлиги эканлиги ҳеч қандай эътирозга сабаб бўла олмас эди. Ваҳоланки, тайёр ҳолдаги схемалар инсон онгида яшайди. Инсон эса ташқи тилшунослик омили, аниқроғи, прагматик восита саналади. Инсон тилнинг эгаси бўлиб, унинг тараққиётига таъсир эта олишига қарамай, у тил системасининг ичида яшамайди. Н.Турниёзов тўғри таъкидлаганидек, онгимизда тайёр ҳолда мавжуд бўлган схемалар, албатта, кўп йиллик сўзлашув тажрибамиз ва кўникмаларимиз асосида вужудга келганлиги, табиийдир².

Юқорида айтиб ўтилганлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, гапни тил бирлиги деб талқин қилиш мутлақо ноўриндир. Чунки гап схемалардан ташкил топади тил эса белгилардан. Тилда схемалар мавжуд эмас. Аммо кўриб ўтганимиздек, олимлар гапни гоҳ тил бирлиги, гоҳ нутқ бирилиги гоҳ ҳам тил, ҳам нутқ бирилиги деб талқин қилишилари фанда турли хил фикрларни, турли хил қараш ва ёндашишларни келтириб чиқармоқда. Бироқ Ф.де Соссюр, Л.Блумфилд, Ф.Ф.Фортунатов, А.А.Шахматов, В.В.Виноградов, А.И.Смирницкий каби машҳур тилшунослар гапни нутқ бирилиги тарзида талқин этган эканлар, биз бунга амал қилмоғимиз, тил билан нутқ бирликларини асосли равишда фарқлай олмоғимиз даркор. Айниқса, бугунги кунда “тил ва нутқ” дихотомиясининг иккинчи мучасига кўпроқ эътибор қаратилаётган бир пайтда, тил ҳамда нутқ бириликларини фарқлаб ўрганишга янада кучлироқ эҳтиёж туғилмоқда.

2.2. Гапнинг предикативлик ҳодисасига муносабати

¹ . Гак В.Г. Высказывание и ситуация // Проблемы структурной лингвистики – 1972. – М., 1973.- С. 353.

² . Турниёзов Н.К. Ўзбек тили деривацион синтаксиси. – Тошкент. 2011.

Лингвистик адабиётларда предикативлик муносабати турлича тафсифланганлигини гувоҳи бўламиз. Шунини айтиб ўтиш лозимки, предикат тушунчаси дастлаб мантикда қўлланилган.

Ҳозирги кунгача ҳам тилшуносларнинг предикативлик хусусида билдириган фикрлари орасида муштараклик йўқлигини кузатамиз.

Т.М. Ломтев предикативликни гап орқали ифодаланадиган хабар тарзида тушунади ва у гапнинг алоҳида компонентлари воситасида эмас, балки унинг умумий салмоғи орқали воқеланишини қайд этади. Унинг фикрича *сотол* сўзи муайян бир буюмнинг номини атайди. Аммо *стол стоит* тарзидаги сўзлар бирикиши хабар ифодасини беради. Бу ҳақда сўзловчи хабар берса, тингловчи уни тушунади. Шунинг учун олим предикативликни хабар ифодаси деб тушуниш мақсадга мувофиқ деб ўйлайди¹.

Т.П.Ломтевнинг лингвистик қарашларида предикативликнинг ифодаланиши замон категорияси билан ҳам, шахс категорияси билан ҳам алоқаси йўқлиги, у гапнинг грамматик хусусиятларини эмас, балки мантикий белгисини ифодалаши таъкидланади².

Н.К.Турниёзовнинг фикрича, предикативлик ҳодисасининг мантик билан узвий боғлиқлиги ва уни грамматик ҳодиса сифатида изоҳлаш ноўрин эканлиги ҳақида айтилган Т.П. Ломтевнинг фикрлари ҳақиқатга яқиндир³.

В.В.Виноградов таълимотида эса предикативлик ҳодисаси гап тушунчаси билан боғлиқлиги ва у орқали гапда ифодаланаётган маъно воқеликка муносабат билдириши таъкидланади. В.В.Виноградов предикативлик ҳодисаси гапда модаллик, замон ва шахс категориялари билан узвий боғланган ҳолда ўз ифодасини топишини қайд этади⁴.

Н.Турниёзов В.В.Виноградовнинг предикативлик ҳодисаси ва унинг модаллик тушунчаси билан боғлиқлиги ҳақида айтилган фикрига тўлиқ

¹.Қаранг: ЛомтевТ.П. Предложение и его грамматические категории. – М., 1972. – С. 30.

².Қаранг: Ўша асар, 29-бет.

³.Қаранг: Н.Турниёзов,Б.Турниёзов,Ш.Турниёзова. Ўзбек тили деривацион синтаксиси. – Тошкент. 2011.

⁴.Қаранг: Виноградов В.В. Избранные труды. Исследования по русской грамматике. – М., 1975. – С.266.

кўшилади. Бироқ олим замон ва шахс тушунчаларининг предикативлик ифодаланиши мунозарали кўринишини таъкидлайди¹.

Ю.Степанов предикативлик ҳодисаси замон тушунчаси билан боғлиқлигини тўлиқ инкор этади. Унинг фикрига кўра, таркибида феъл катнашмаган гаплар мавжуд экан, мазкур ҳодисанинг замон категорияси воситасида ифодаланиши ҳақида сўз юритиб бўлмайди. Шунинг учун у “предикация замон тушунчасидан ҳолидир” дейди².

Х.Хайруллаевнинг номзодлик диссертациясида ҳам предикативлик ҳодисаси замон категорияси билан боғлиқ эмаслиги алоҳида уқтирилади. Мазкур ишда предикативлик модаллик категорияси билан узвий алоқадор эканлиги ва унинг нафақат гапда, балки феълли сўз бирикмаларида ва ҳатто алоҳида олинган бир сўзда ҳам ўз ифодасини топиши мумкинлиги атрофлича ёритилади. Х.Хайруллаев предикативлик ҳодисасининг асосий белгиси воқеликка муносабат билдиришдан иборат эканлигини таъкидлайди³.

Баъзи тилшунослар предикативликни кесим тушунчаси билан боғлайдилар ва уни кесимлилик тарзида изоҳлайдилар. Мазкур ғоя аслида А.А.Потебня томонидан олға сурилган эди. Бу ҳақда А.А.Потебнянинг фикри қуйидагича: “Предикативлик – бу феълнинг грамматик шаклидир. Айнан шу боис феъл бошқа сўз туркуми эмас, феълдир”⁴.

Равшанки, гапда кесим вазифасидаги сўз асосан феъл билан ифодаланади. Бу эса предикативликни кесимлилик деб тушуниш учун асос қилиб олинади. Буни ўзбек тилшунослигида ҳам кузатамиз. А.Ғуломов ва М.Асқаровалар томонидан ёзилган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслигида бу ҳақда қуйидагича фикр билдирилади: “Гапни предикация шакллантиради: бу грамматик категория, умуман, гапга хос хусусият. Предикативликни кесим кўрсатади: кесим умумий предикативлик маъносини конкрет модаллик,

¹ .Ўша асар.

² .Қаранг: Степанов Ю.С. Основы общего языкознания. – М., 1975. – С. 134.

³ .Қаранг: Хайруллаев Х.З. Сўз, сўз бирикмаси ва гапнинг предикативликка муносабати // Номзодлик дис. автореф. – Тошкент, 2001.

⁴ .Қаранг: Потебня А.А. Из записок по русской грамматике. – М.: Учпедсиз, 1958. – С.116.//олимнинг бу фикри Н.Турниёзовнинг «Ўзбек тили деривацион синтаксиси» монографиясидан олинди.

замон, шахс категориялари орқали ифодаляди”¹. Кўринадики, бу ўринда асосан В.В.Виноградовнинг лингвистик концепциясига таянмоқда, зотан, модаллик, замон, шахс категорияларининг предикативлик ифодалаш ҳақида дастлаб В.В.Виноградов хабар берган эди.

А. Нурмоновнинг фикрига кўра, предикативлик ташувчи асосий элемент кесимдир². Албатта гапда ифодаланаётган хабарнинг воқеликка муносабати асосан кесим орқали ўз аксини топади. Айни пайтда кесимнинг мавқеини инкор этиб бўлмайди. Бу жиҳатдан А.Нурмоновнинг мулоҳазасига тўлиқ қўшилиш мумкин. Бироқ предикативлик ифодалашда гапнинг кесимидан бошқа бўлаклари ҳам қатнашади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, предикативлик ҳодисаси талқини азалдан муаммоли эди ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Баъзи илмий манбаларда предикативлик ҳодисаси мантиқ категорияси билан боғлиқлиги қайд этилса, бошқа манбаларда уни грамматик категория деб, айрим ишларда эса уни мантикий-грамматик категория деб ўрганилаётганлигини кўрамиз. Демак, предикативлик ҳодисасини мантикий категория сифатида талқин этиш мақсадга мувофиқдир. Уни феълнинг замон ва шахс категориялари билан боғлаб грамматик категория даражасига кўтариш қандайдир сунийдек бўлиб кўринади³. Тўғри, гапнинг воқеликка муносабат билдириши мантиқ билан тил ўртасида узвий боғланишни шакллантиради ва айнан ана шу ўринда предикативлик тушунчаси лингвистик маъно касб этади. Аммо бу орқали предикативлик тушунчасини соф лингвистик категория деб аташ учун етарлича асос вужудга келмайди.

Аммо шундай бўлишига қарамай, ҳозирги тилшуносликда замон, майл, шахс категориялари предикативлик ифодаловчи воситалар сифатида грамматик манбаларнинг аксариятида қайд этилмоқда. Баъзи ишларда ҳатто предикативлик ҳодисаси мантиқ билан алоқадор эканлиги эслатилмаяпти ҳам

¹. Ғуломов А., Аскарлова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент 1987, 37 бет.

². Қаранг: Нурмонов А. Гап ҳақида синтактик назариялар. – Тошкент, 1988, 31-бет.

³. Қаранг: Н.Турниёзов, Б.Турниёзов, Ш.Турниёзова. Ўзбек тили деривацион синтаксиси. – Тошкент. 2011.

ва уларда бу ходисага тўлиқ грамматик мақом берилмоқда. Бироқ бундай хулосага келиш изохталабдир. Зотан, юқорида эслатиб ўтилган предикативлик тушунчасининг замон билан алоқаси йўқлиги хусусида тилшунослар томонидан айтилган фикр ва мулоҳазаларни илмий асоссиз деб бўлмайди. Проф.Н.К.Турниёзов “предикативлик – бу тил ёки нутқ бирликларининг воқеликка муносабат билдиришидир. Ана шу талабга жавоб бера олса, у бир сўз билан ҳам, сўз бирикмаси билан ҳам (феълли бирикмалар), ва ҳатто матн материали билан ҳам ифодаланади” деб ёзиб, юқоридаги фикрлар хилма-хиллигига бирмунча аниқлик киргизди десак хато бўлмайди. Олим мазкур ходиса алоҳида олинган сўзнинг, сўз бирикмасининг доимий белгиси эмас, улар муайян нутқ ҳолатларидагина бу мақомга эга бўла оладилар, деб алоҳида таъкидлаб ўтади. Олимнинг бу фикрига қўшилган ҳолда яна шуни ҳам айтиш мумкинки, сўз ва сўз бирикмасидан фарқли равишда, гап ва матн қандай шаклда келишидан қатъи назар, ҳар доим воқеликка муносабат билдиради ва шу боис предикативлик уларнинг доимий мантикий белгиси саналади. Бу эса гапнинг лингвистик мақомини пасайтира олмайди. Зотан, тилшунослик мантиқ билан узвий боғлиқдир.

УЧИНЧИ БОБ

АРАБ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА СОДДА ГАП

СТРУКТУРАСИНИНГ ДЕРИВАЦИОН ТАМОЙИЛЛАРИ

Гапнинг синтактик деривацияси ва унинг деривацион тамойилларини ўрганиш ҳосила синтактик структуралар билан боғлиқ бўлганлиги учун энг аввал ҳосила структураларнинг шаклланишини вужудга келтирувчи омиллар ҳақида маълумотга эга бўлишни тақозо этади.

Ҳосила синтактик структуралар ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди. Уларнинг воқеланиши қатъий равишда муайян таянч структураларга асосланади. Таянч структуралар эса, ўз навбатида, туб структуралар замирида вужудга келади.

3.1. Туб структура ва унинг лингвистик табиати

Тилшуносликда туб структура тушунчаси 60-йиллардан бўён қўлланиб келинмоқда. Туб структура тушунчаси дастлаб Н.Чомский томонидан истеъмолга киритилган эди. Чомский туб структурани инсон онги, тафаккурининг маҳсули эканлигини тўғри кўрсатади. Бундан ташқари, сўзловчи муайян тушунчани ифодаловчи туб структура воситасида, аниқроғи, унга таянган ҳолда сон-саноксиз синтактик структураларни ҳосил қилиши мумкинлигини таъкидлайди¹.

Туб структура ҳақида О.Есперсен таълимотида ҳам ўзига хос маълумот берилганини кўрамыз. Олим ҳозирги тилшуносликда туб структура (глубинная структура) деб аталаётган ҳодисани тушунча категорияси тарзида изоҳлайди ва уни нолингвистик мақомга эга эканлигини эслатиб ўтади². Бироқ О.Есперсеннинг бу ҳақда билдирган мулоҳазаларида баъзи мавҳумликлар мавжуд деб ўйлаймиз. Масалан, олим бу категориянинг

¹ . Қаранг: Звегинцев В.А. Язык и лингвистическая категория – М., 1973. – С.180.

² .Қаранг: Есперсен О. Философия грамматики. – М., 1958. – С.58.

нолингвистик мақомга эга эканлиги тўғрисида билдирган фикрлари изоҳталаб кўрилади. Агар олим айтгандай бу категорияни нолингвистик характерга эга дейдиган бўлсак, у ҳолда туб структура тушунчасининг тил билан алоқаси бўлмайди ва у тўлиқ мантикий категория ҳисобланади. Аммо туб структура кесимга боғлиқлигини биламиз. Чунки у предикат доирасида шаклланади. Шундай экан, уни нолингвистик категория тарзида ўрганиш ноўриндир.

Бу ўринда И.И.Мешчаниновнинг фикрига қўшилса бўлади. Чунки у тушунча категориясини (яъни туб структурани) тафаккур категорияси ва бир пайтнинг ўзида тил категорияси деб ҳам ўрганади. Чунки унинг рўёбга чиқиши тилда ўз ифодасини топади. Агар у тилда ўз ифодасини топмас экан, мазкур категория тафаккурдалигича қолар эди¹.

Бизнингча, гапнинг туб структураси ҳосила структуралар учун асос саналади. Туб структура – бу ҳар қандай гапнинг ҳам мазмуни марказида, негизида турувчи сўзлар билан боғлиқ бўлган структурадир.

С.Д. Кацнельсоннинг қайд этишига кўра, туб структура - бу гап шаклланишининг дастлабки фазасини ташкил этувчи семантик ёки тафаккур структурасидир².

Шуни айтиб ўтиш жоизки, гап шаклланишининг бошланғич босқичини ташкил этувчи туб структура муайян мазмуний салмоқ касб этишига қарамай, у орқали тақозо этилаётган бўш ўринлар тўлдирилмаса, гап талабга жавоб бера оладиган синтактик структурани вужудга келтириш учун етарли мазмуний асосга эга бўла олмайди. Чунки ҳар қандай тилда ҳам предикат вазифасидаги сўз пропозитив функция бажаради. Бундай сўзлар пропозитив функцияларига кўра муайян “бўш катакчаларга” ё “ўринларга” имконият туғдиради³.

Юқоридагилардан ташқари шуни айтиб ўтиш керакки, туб структура мудом мавҳум ҳолатда бўлади. Унинг бўш ўринлари тўлдирилгандан

¹ .Қаранг: Мещанинов И.И. Члены предложения и части речи. – М. – Л., 1954.- С.196

² .Қаранг: Кацнельсон С.Д. Общее и типологическое языкознание. – Л.1986.- С.142.

³ .Қаранг: Кацнельсон С.Д. Кўрсатилган асар, 144бет.

кейингина мазмуний ифодаси ва синтактик шакли мукамал бўлган гап ҳақида сўз юрита оламиз. Масалан,

Акмал университетда ўқийди гапининг туб структураси **ўқимоқ** феъли билан боғлиқ эканлигини кўрамиз. Аммо мазкур феълни Акмал, университет сўзларидан айри ҳолда оладиган бўлсак, унинг мавҳум ифодалилиги аниқ кўзга ташланади (хат ўқимоқ, китоб ўқимоқ, мактабда ўқимоқ ва ҳоказо).

Таъкидлаш жоизки, синонимик гаплар ҳар доим ҳам ягона туб структурага асосланавермайди. Улар турли туб структуралар замирида шаклланиши мумкин:

Акмал касал – Акмалнинг тоби йўқ.

У мендан кучлироқ – Мен ундан кучсизроқман¹.

Буни арабча мисолларда ҳам кузатишимиз мумкин:

اکمل المريض – اکمل ليس جيدا

هو أقوى منى – أنا أضعف منه

Туб структура ҳақида мулоҳаза юритар эканмиз, бу ўринда, асосан, бошқа туркумдаги сўзларнинг феълга кўчиши масаласи ҳам эътиборда бўлмоғи лозим. Масалан:

Бу китоб қизиқарли.

Юқоридаги мисолда туб структуранинг транспозиция таъсирида сифатдан функциясига кўра феълга кўчган **қизиқарли** сўзи орқали ифодаланиши бунинг далили бўла олади.

Шундай қилиб, гапнинг синтактик струтураси шаклланиши учун туб структура базал структура вазифасини бажаради:

1. *У ўз фикрини тасдиқлаш учун қизга қаради*(Ў.Умарбеков).

2. *Раим Саидов эса ҳамон жойида қимирламай ўтирарди* (Ў.Умарбеков).

3. *Жиянингиз яна бир яхшилик қилди* (О.Ёқубов).

¹ .Қаранг: Падучева Е.В. Кўрсатиган асар // Мисоллар Е.В. Падучеванинг фикри асосида берилмоқда.

Келтирилган мисолларнинг биринчи ва иккинчисиди туб структура биргина сўз билан ифодаланаётганлигини кўрамиз (**қаради, ўтирарди**). Аммо учинчи мисолда туб структурани **қилди** тарзида белгилай олмаймиз. Бу сўз якка ҳолда синтактик фаоллик кўрсатмаяпти. Унинг синтактик фаоллигини фақат **яхшилик** сўзи иштирокида белгилай оламиз. Шунинг учун бу гапда туб структура **яхшилик қилди** тарзида намоён бўлади.

Бундай ҳолатларни қуйидаги мисолларда ҳам кўришимиз мумкин:

هو نظر إلى بنت ليصدق الكلامه
رئم سئدوف كان يجلس في مكانه بدون الحركة حتى الان
أحسن ابن خالك أيضا

Келтирилган мисолларнинг биринчи ва иккинчисиди туб структура биргина сўз билан ифодаланаётганлигини кўрамиз (**يجلس, қаради, نظر**). Аммо ўзбек тилида учинчи мисолда туб структурани **қилди** тарзида белгилай олмаймиз. Бу сўз якка ҳолда синтактик фаоллик кўрсатмаяпти. Унинг синтактик фаоллигини фақат **яхшилик** сўзи иштирокида белгилай оламиз. Шунинг учун бу гапда туб структура **яхшилик қилди** тарзида намоён бўлади. Араб тилида эса туб структура **أحسن** биргина сўз билан ифодаланади.

Келтирилган мисоллардан шуни яққол кўрса бўладик, туб структура якка ўзи мавҳум ҳолдаги тафаккур структурасини тақозо этади. Ундаги бўш ўринлар тўлдирилгандан кейингина синтактик структура ҳосил бўлади. Бу жараён, албатта, синтактик деривация воқеланишида муҳим аҳамият касб этади. Бошқача айтганда, туб структура замирида шаклланган дастлабки синтактик структура деривацион жараён бошланиши учун таянч вазифасини бажаради.

3.2.Таянч структура ва унинг функционал салмоғи

Юқоридаги бўлимларда айтиб ўтилганидек, туб структура маҳум кўринишда бўлади. Бу маҳумлик унинг бўш ўринларини тўлдириш натижасида йўқолади. Таянч структура ана шу бўш ўринларни тўлдиришнинг биринчи босқичини ташкил этади. У шу бўш ўринларни тўлдириш натижасида шаклланади. Агар туб структурани тафаккур структураси ёки семантик структура тарзида белгилайдиган бўлсак, таянч структура минимал ҳолатдаги синтактик структурани тақозо этади. Туб структура, одатда, гапнинг кесими вазифасидаги сўз доирасида воқеланиши боис уни V симболи билан, синтактик структурани эса $N+V$ символлари орқали белгилаймиз. Шуни ҳам айтиш керакки бу символлар таниқли француз тилшуноси Б.Потье томонидан қўлланилган. Унга кўра N – от ёки отлашган сўзни (шу жумладан олмошни ҳам), V – белгиси феъл ёки унинг вазифасида қўлланилган сўзни, X – белгиси эса гапнинг синтактик ва семантик шаклини кенгайтириш учун ҳар қандай сўзни белгилаш учун хосланади¹.

Таянч структура туб структурадан фарқли равишда нисбий аниқликка эга бўлади. У орқали $N+V$ синтактик структура шаклланади. Бунда N ҳаракат ижрочисини, V эса ҳаракатни ифодалаш учун қўлланилади. Аммо бу билан таянч структура ҳар доим икки компонентли бўлади, деган хулосага келмаслик керак. Кўп пайтларда таянч структура компонентлари сони иккитадан ортиқ бўлиши мумкин. Бироқ шундай бўлишига қарамай, бундай вазият $N+V$ моделига ўзгартириш кирита олмайди. Масалан:

Асад қори ўзини анқовликка солди (М.Исмоилий).

Келтирилган мисолда гап компонентлари бешта бўлиб, уларнинг олдинги иккитаси N белгисини, кейинги учтаси эса V белгисини ифодалаш учун хизмат қилмоқда. Шу боис гап компонентларининг сони иккитадан

¹ . Бу ҳақда қаранг: Турниёзов Н., Турниёзова К., Хайруллаев Х., Структур синтаксис асослари. – Тошкент, 2009, 57-бет.

ортиқ бўлишига қарамай, N+V моделига ўзгартириш киритилмайди. Бу жуда муҳимдир, чунки агар унинг таркибига бошқа бирор X унсур қўшиладиган бўлса, у ҳолда ҳосила структура шаклланади. Бу эса, ўз навбатида, таянч структура макomini ўзгартиради. Масалан:

Ҳалима кутубхонага борди.

Айни пайтда **борди** сўзи туб структура функциясида келиб, унинг бўш ўринларидан бири тўлдирилгач, **Ҳалима борди** тарзидаги таянч структура шаклланмоқда (V – N+V). Бироқ жумла таркибида X билан ифодаланувчи яна бир унсурнинг мавжудлиги таянч структурадан ҳосила структура шаклланганлигини кўрсатмоқда: N(Ҳалима) X (кутубхонага) V (борди). Бу ўринда, ҳосила структура тўғридан-тўғри туб структурадан эмас, балки таянч структурадан ясалмоқда. Бошқача айтганда, таянч структура ҳосила структуранинг шаклланиши учун асос вазифасини бажармоқда. Демак, бу ўринда ўзига хос поғонали боғланишни кузатамиз:

$$V - N+V - N + X + V$$

Бу каби боғланишни араб тилида ҳам кузатиш мумкин:

حلمة ذهبت إلى المكتبة

Бу ўринда **ذهبت** сўзи туб структурани (V), **حلمة ذهبت** сўзлари эса таянч структурани (N+V), **إلى المكتبة** жумласи эса ҳосила структурани (N+X+V) тақозо этмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳосила структура ҳеч қачон тўғридан-тўғри туб структура билан боғланмайди. Унинг туб структура билан муносабати ҳар доим таянч структура орқали воқеланади. Баъзи синтактик структураларда таянч структурани белгилаш масаласи силлиқ кечмаслиги ҳам кузатилади. Буни биз юқоридаги мисолларда ҳам кўриб ўтган эдик. Масалан:

Маишулот ҳафтада бир марта ўтадиган бўлди.

Берилган мисолда туб структуранинг ифода материали икки унсурдан иборат эканлиги масала тавсифини бир оз мурккаблаштирмоқда. Бошқача айтганда, туб структуранинг (ўтадиган бўлди) ифода материалини бўлди сўзи эмас, балки ўтадиган бўлди сўзлари ташкил қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, таянч структурани N (Машғулот) + V (ўтадиган бўлди) тарзида кўрсатиш имкониятини беради, холос. Жумла таркибидаги бошқа сўзлар эса таянч структура таркибига эмас, балки ҳосила структура сатҳига киради. Буни қуйидаги схемада ифодалаш мумкин:

N (Машғулот) + X (хафтада бир марта) + V (ўтадиган бўлди).

سيكون التمرينات مرة واحدة في الاصوع

Араб тилида бу мисолни туб структуранинг ифода материали икки унсурдан иборат эканлиги масала тавсифини бир оз мурккаблаштирмоқда. Бошқача айтганда, туб структуранинг (س , يكون ўтадиган бўлди) ифода материалини бўлди сўзи эмас, балки ўтадиган бўлди сўзлари ташкил қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, таянч структурани N (التمرينات Машғулот) + V (سيكون ўтадиган бўлди) тарзида кўрсатиш имкониятини беради, холос. Жумла таркибидаги бошқа сўзлар эса таянч структура таркибига эмас, балки ҳосила структура сатҳига киради. Буни қуйидаги схемада ифодалаш мумкин:

N (التمرينات) + X (مرة واحدة في الاصوع) + V (سيكون).

Таянч структуранинг функционал салмоғи ҳосила структура шаклланишининг биринчи босқичида ўз ифодасини топади. Ҳосила структура шаклланишининг кейинги босқичлари эса таянч структурага асосланмайди, чунки бу жараёнда ҳосилалардан ҳосила ясалишини

кузатамиз. Шу боис синтактик деривациянинг бири иккинчисининг шаклланиши учун асос вазифасини ўтайди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, туб структурадан таянч структура ясалиш жараёни анча мураккабдар. Чунки битта туб структурадан бир неча таянч структуралар ҳам ясалиши мумкин. Бу таянч структураларнинг ҳар бири, ўз навбатида, семантик ва синтактик салмоқлари билан фарқланувчи турли хил ҳосила структуралар ясалишига асос бўла олади. Масалан:

Келди – V (туб)

1. *Каримжон келди* - N+V (таянч), *Каримжон уйга келди* - N+X+V (ҳосила).

2. *Ўқитувчи келди* - N+V (таянч), *Ўқитувчи мактабга келди* - N+X+V (ҳосила).

3. *Асрор бобо келди* - N+V (таянч), *Асрор бобо бозордан келди* - N+X+V (ҳосила).

Келтирилган мисоллардан шундай хулосага келса бўладики, таянч структура асос структура мақомида кела олади.

جاء كريم - جاء كريم إلى البيت

جاء مدرس – جاء مدرس إلى المدرسة

جاء جدي أسرار – جاء جدي أسرار من السوق

جاء – V (туб)

1. جاء كريم - N+X+V, جاء كريم إلى البيت - N+V (таянч), جاء كريم (ҳосила).

2. جاء مدرس إلى المدرسة - N+X+V, جاء مدرس - N+V (таянч), جاء مدرس (ҳосила).

3. جاء جدي أسرار من السوق - N+X+V, جاء جدي أسرار - N+V (таянч), جاء جدي أسرار (ҳосила).

4. كان تخت الشجرة ثعلب — Дарахт остида тулки бор эди¹.

كان تخت الشجرة ثعلب - N+X+V, كان ثعلب - N+V (таянч),

(ҳосила).

3.3. Араб ва ўзбек тилларида гап шаклининг кенгайиши

Юқорида айтиб ўтилгани сингари, гапнинг синтактик деривацияси воқеланишининг биринчи босқичи муайян таянч структурага асосланади. Шу боис мазкур структура деривацион жараён бошланиши учун муҳим аҳамият касб этади. Фикр далили учун қуйидаги мисолга мурожаат этамиз:

1. Абдурахмон қўлини ўйнаб, яна биров сукутда ўлтирди (А.Қодирий).
2. Кампир тонг қоронғисида хамир қилгани туриб хўкиздан хабар олди (А.Қаҳҳор).
3. Додҳо дарчани зичлаб ёнди (А.Қаҳҳор).

Келтирилган мисолларда қуйидаги босқичларни кузатиш мумкин:

1. Туб структура – ўлтирди – V

Таянч структура – Абдурахмон ўлтирди – N + V

Ҳосила структура – Абдурахмон сукутда ўлтирди – N+X+V – синтактик деривациянинг биринчи босқичи.

Ҳосила структура – Абдурахмон яна биров сукутда ўлтирди – N+X₂+V – деривациянинг иккинчи босқичи.

Ҳосила структура – Абдурахмон қўлини ўйнаб яна биров сукутда ўлтирди – N+X₃+V – деривациянинг учинчи босқичи.

2. Туб структура – хабар олди – V

Таянч структура – кампир хабар олди – N + V

¹. Қаранг: . Суннатulloҳ Бекпўлат. Мабдаъ ул- кироат. //Ўқиш асослари. Тошкент: «Мовароуннаҳр», II китоб. Б 34. 2005.

Ҳосила структура – *кампир ҳўкиздан хабар олди* – $N+X+V$ – синтактик деривациянинг биринчи босқичи.

Ҳосила структура – *кампир туриб ҳўкиздан хабар олди* – $N+X_2+V$ – синтактик деривациянинг иккинчи босқичи.

Ҳосила структура – *кампир хамир қилгани туриб ҳўкиздан хабар олди* – $N+X_3+V$ – синтактик деривациянинг учинчи босқичи.

Ҳосила структура – *кампир тонг қоронғисида хамир қилгани туриб ҳўкиздан хабар олди* – $N+X_4+V$ – синтактик деривациянинг тўртинчи босқичи.

3. Туб структура – *ёнди* – V

Таянч структура – *Додҳо ёнди* – $N + V$

Ҳосила структура – *Додҳо зичлаб ёнди* – $N+X+V$ – синтактик деривациянинг биринчи босқичи.

Ҳосила структура – *Додҳо дарчани зичлаб ёнди* – $N+X_2+V$ – синтактик деривациянинг иккинчи босқичи.

Келтирилган мисоллардан кўринадик, таянч структура туб структуранинг бўш ўринларини тўлдириш натижасида вужудга келади ва минимал шаклли гап структурасини тақозо этади. Худди шундай босқичларни араб тилидаги мисолларда ҳам кузатиш мумкин:

سكت عبدالرحمن قليلا لاعبا يداه

عجوزة استيقظت من نومها بكرا لا عتجن العجين نظرت

الى الصور

ضدحا أغلق الباب كثيفا

Келтирилган мисолларда қуйидаги босқичларни кўрамыз:

1. Туб структура – *сакт* – V

Таянч структура – *сакт عبدالرحمن* – $N + V$

Ҳосила структура – سكت عبدالرحمن – N+X+V – синтактик
деривациянинг биринчи босқичи.

Ҳосила структура – سكت عبدالرحمن قليلا – N+X₂+V–
деривациянинг иккинчи босқичи.

Ҳосила структура – سكت عبدالرحمن قليلا لاعبا يداه –
– N+X₃+V – деривациянинг учинчи босқичи.

2. Туб структура – نظرت – V

Таянч структура – عجوزة نظرت – N + V

Ҳосила структура – عجوزة نظرت الى الصور – N+X+V –
синтактик деривациянинг биринчи босқичи.

Ҳосила структура – عجوزة استيقظت من نومها لاعتجن
العجين نظرت الى الصور

– N+X₃+V – синтактик деривациянинг учинчи босқичи.

Ҳосила структура – عجوزة استيقظت من نومها بكرا لاعتجن
العجين نظرت الى الصور

– N+X₄+V – синтактик деривациянинг тўртинчи босқичи.

3. 2. Туб структура – أغلق – V

Таянч структура – ضدحا أغلق – N + V

Ҳосила структура – ضدحا أغلق كثيفا – N+X+V – синтактик
деривациянинг биринчи босқичи.

Ҳосила структура – **ضدحا أغلق الباب كثيفا** – $N+X_2+V$ – синтактик

деривациянинг иккинчи босқичи.

Аслини олганда, туб структурадаги бўш ўринлар сони бирдан ортиқ бўлади. Аммо операциянинг биринчи босқичида бўш ўринларнинг фақат бири тўлдирилади. Бунда аппликатив модел фаоллашувининг дастлабки босқичи юзага келади ва у синтактик деривация жараёни бошланиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган – $N + V$ формуласига бўйсунувчи алгоритм маҳсули саналади.

$N+X+V$ ёки $X+ N+ V$ шаклидаги структура шаклланиши синтактик деривация ҳодисаси юзага келишининг биринчи босқичи саналади. Шундан кейин вужудга келувчи синтактик структураларнинг ҳар бириалоҳида алгоритмлар замирида шаклланаверади ва улар синтактик деривациннинг иккинчи, учинчи, тўртинчи ва ҳ. к. босқичларини келтириб чиқаради.

Гапнинг синтактик шакли кенгайишини тақозо этувчи деривация аппликатив моделга таянади. Шунинш учун ҳар бир дериват олдингисидан ўзининг грамматик мақомига кўра фарқланади. Чунки аппликатив усул деривациянинг ҳар бир босқичида олдинги дериват таркибига янги морфологик унсурларни киритади.

Шу нарса аҳамиятлики, янги деривациянинг ҳар янги босқичида олдинги дериват операндга айланади ва унинг оператори инкор этилиб, янги оператор фаоллик кўрсата бошлайди:

Икромжон уларнинг гапига ҳалал бермаслик учун ёнларидан тез ўтиб кетди.

إكرامجان مر بسرعة لا ترش عليهم

Берилган мисолларда гап синтактик шаклининг кенгайиши аппликатив усулда рўй бериб, ўзбек тилидаги мисолда синтактик деривация беш босқичда, араб тилидаги мисолда эса олти босқичда воқеланмоқда:

1. ўтиб кетди – туб структура

Икромжон ўтиб кетди – таянч структура

Икромжон тез ўтиб кетди – дериват (ҳосила)

Икромжон ёнларидан тез ўтиб кетди – дериват (ҳосила)

Икромжон ҳалал бермаслик учун ёнларидан тез ўтиб кетди – дериват (ҳосила)

Икромжон гапига ҳалал бермаслик учун ёнларидан тез ўтиб кетди – дериват (ҳосила)

Икромжон уларнинг гапига ҳалал бермаслик учун ёнларидан тез ўтиб кетди – дериват (ҳосила)

2. مر – туб структура

إكرامجان مر – таянч структура

إكرامجان مر بسرعة – дериват (ҳосила)

إكرامجان مر بسرعة عليهم – дериват (ҳосила)

إكرامجان مر بسرعة لا ترش – дериват (ҳосила)

إكرامجان مر بسرعة لا ترش – дериват (ҳосила)

إكرامجان مر بسرعة لا ترش عليهم

– дериват (ҳосила)

Берилган гапларнинг биринчисиди синтактик деривация бир қарашда – тез сўзи (оператори) орқали рўй бераётгандай туюлади. Бироқ гапнинг деривацион тарихига мурожаат этадиган бўлсак, айти пайтда гапнинг

синтактик деривацияси **-нинг** (уларнинг – **عليهم**) операторига тобе эканлигини далиллай оламиз. Бунинг асосий сабаби шундаки, гап таркибига, юқорида кўриб ўтганимиз сингари, уларнинг сўзи деривациянинг охириги босқичида киритилмоқда. Ана шулардан келиб чиқиб, берилган гапларнинг деривацион босқичларини символлар воситасида қуйидагича кўриб чиқамиз:

V – туб структура

N+V – таянч структура

N+X+V – дериват (оператор **тез**)

N+X₂+V – дериват (оператор - **дан**)

N+X₃+V – дериват (оператор **учун**)

N+X₄+V – дериват (оператор **-га**)

N+X₅+V – дериват (оператор **-нинг**)

Иккинчи мисолнинг схемаси эса қуйидагича намоён бўлади:

V – туб структура

N+V – таянч структура

N+X+V – дериват (оператор **بسرعة**)

N+X₂+V – дериват (оператор **-من**)

N+X₃+V – дериват (оператор **ل**)

N+X₄+V – дериват (оператор **-الى**)

N+X₅+V – дериват (оператор **عليهم**)

Ана шу ҳолатлар яхлитлигича олингани ҳолда келтирилган гаплар синтактик деривацияси воқеланишининг алгоритмини ташкил этади.

Аппликатив моделга асосланган деривацион жараёнда сўзнинг валентлик хусусияти ҳам муҳим аҳамият касб этади. Айниқса феъл

валентлиги замирида гапнинг синтактик шакли кенгайиши деривацион нуқтаи назардан этиборга моликдир.

Синтактик валентлик ҳақида Л.Теньер мукаммал маълумот берган. Унинг таълимотида, хусусан, феълнинг валентлиги хусусиятлари мукаммал ёритилган.

Л.Теньер ҳар бир жумлани театр сахнасига ўхшатади. Агар театр сахнасида воқеа-ҳодисалар ижроси кўрсатилса, жумлада бу ҳолат феъл ёки унинг ўрнида қўлланилган бошқа бирор сўз орқали ифодаланади. Сахнада ҳаракат ижрочилари актёрлар бўлса, жумла таркибида ҳаракат ижрочилари от ёки олмошлар ҳисобланади. Шунинг учун уларни **актантлар** деб аташ мумкин. Сахнада ҳаракат ижросига муҳит, реал борлиқ ва томошабинларнинг таъсири бўлса, жумлада берилаётган ҳаракат ижросига ҳолат билдирувчи сўзлар таъсир қилади. Бундай сўзлар Л.Теньер назариясида **сирконстантлар** деб аталади¹. Масалан:

Адолат акасини жуда яхши кўради.

Берилган гапда ҳаракат ифодаси **яхши кўрмоқ** бирикмаси орқали берилмоқда. Мазкур ҳаракат ижроси **Адолат** томонидан бажарилмоқда. Шунинг учун уни ҳаракатнинг бевосита ижрочиси ёки асосий актант деб юритилади. Айни пайтда ҳаракат ижросида **ака** сўзи ҳам қатнашмоқда. Шунга кўра уни ҳам актант деб билмоқ керак. Аммо у, асосий актантдан фарқли равишда, ҳаракатнинг ижрочиси эмас, балки уни ўзига қабул қилувчидир. Демак, келтирилган жумлада ҳаракат ифодасини икки сўз билан бевосита синтактик муносабат ўрнатмоқда. Ана шу нарсага синтактик валентлик дейилади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, феъл валентлиги замирида гапнинг синтактик шакли кенгайиши деривацион нуқтаи назардан этиборга моликдир. Фикр далили учун қуйидаги мисолларга мурожаат қилайлик:

1. Мингбоши чойнакдаги сувни бир симиришида тамом қилди (Чўлпон).

¹ . Қаранг: Теньер Л. Основы структурного синтаксиса. – М., 1988.- С.117-118.

2. *Жаннат хола рўмолга ўралган товоқни шошиб ўғлининг олдида қўйди* (С.Аҳмад).

3. *Муҳаммад Али кўзларини катта очиб, жиянининг шеър ўқишига қулоқ солди* (М.Осим).

Биринчи мисол таҳлилига эътибор берадиган бўлсак, у қуйидаги босқичларда намоён бўлади:

Туб структура – тамом қилди (V).

Таянч структура – Мингбоши тамом қилди (N+V).

Ҳосила структура – Мингбоши бир симиришда тамом қилди (N+X+V).

Ҳосила структура – Мингбоши сувни бир симиришда тамом қилди (N+X₂+V).

Ҳосила структура – Мингбоши чойнакдаги сувни бир симиришда тамом қилди (N+X₃+V).

Иккинчи мисолнинг таҳлили қуйидагича кечади:

Туб структура – қўйди (V).

Таянч структура – Жаннат хола қўйди (N +V).

Ҳосила структура – Жаннат хола ўғлининг олдида қўйди (N+X+V).

Ҳосила структура – Жаннат хола шошиб ўғлининг олдида қўйди (N+X₂+V).

Ҳосила структура – Жаннат хола товоқни шошиб ўғлининг олдида қўйди (N+X₃+V).

Ҳосила структура – Жаннат хола рўмолга ўралган товоқни шошиб ўғлининг олдида қўйди (N+X₄+V).

Учинчи мисолда гап шаклининг кенгайиши беш босқичда кечади:

Туб структура – қулоқ солди (V).

Таянч структура – Муҳаммад Али қулоқ солди (N+V).

Ҳосила структура – Муҳаммад Али шеър ўқишига қулоқ солди (N+X+V).

Ҳосила структура – Муҳаммад Али жиянининг шеър ўқишига қулоқ солди (N+X₂+V).

Ҳосила структура – Муҳаммад Али кўзларини каттга очиб, жиянининг шеър ўқишига қулоқ солди ($N+X_3+V$).

Келтирилган мисоллар таҳлилининг учинчи босқичидан бошлаб дериват шакллланаётганлигини кўрамиз. Дериватлар, албаттга аппликатив моделлар асосида воқеланмоқда, аппликатив модел эса кесим вазифасида келаётган сўзнинг синтактик валентлик билан узвий боғлиқ. Бунда феъл валентлиги актантлар орқали ўз ифодасини топмоқда.

لبلاب أتم الماء في إبريق الشاي رشفة واحدة
وضعت حالة جنة بسرعة طبقا أمام ابنها
سمع محمد على قراءة الشعر ابن الاخيه بحيرة

Биринчи мисол таҳлилига эътибор берадиган бўлсак, у қуйидаги босқичларда намоён бўлади:

Туб структура – أتم (V).

Таянч структура – لبلاب أتم ($N+V$).

Ҳосила структура – لبلاب أتم رشفة واحدة ($N+X+V$).

Ҳосила структура – لبلاب أتم الماء رشفة واحدة ($N+X_2+V$).

Ҳосила структура – لبلاب أتم الماء في إبريق الشاي رشفة واحدة ($N+X_3+V$).

Иккинчи мисолнинг таҳлили қуйидагича кечади:

Туб структура – وضعت (V).

Таянч структура – وضعت حالة جنة ($N+V$).

Ҳосила структура – وضعت حالة جنة أمام ابنها

(N+X+V).

Ҳосила структура – وضعت حالة جنة بسرعة أمام ابنها

(N+X₂+V).

Ҳосила структура – وضعت حالة جنة بسرعة طبقا أمام ابنها

(N+X₄+V).

Учинчи мисолда гап шаклининг кенгайиши беш босқичда кечади:

Туб структура – (V) سمع.

Таянч структура – (N+V) سمع محمد على.

Ҳосила структура – (N+X+V) سمع محمد على قراءة الشعر.

Ҳосила структура – سمع محمد على قراءة الشعر ابن الاخيه

(N+X₂+V).

Ҳосила структура – سمع محمد على قراءة الشعر ابن الاخيه

(N+X₃+V) بحيرة.

Биз қишлоқдан ташқаридалигимизда дарёни кўрдик – فيما نحن

خارج القرية راينا النهر

Туб структура – (V) راين.

Таянч структура – (N+V) راينا.

Ҳосила структура – (N+X+V) راينا النهر.

نحن خارج القرية راينا النهر – Ҳосила структура –

$(N+X_2+V)$.

فيما نحن خارج القرية راينا النهر – Ҳосила структура –

$(N+X_3+V)$.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ишда кўриб чиқилган юқоридаги масалалар асосида тадқиқотда куйидаги хулосаларга келинди:

1. Жаҳон тилшунослигининг ҳозирги тараққиёти даврида дериватология йўналиши ва дериватологияга асосланган илмий изланишлар долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Зотан, тилнинг нутққа кўчирилиши ва, умуман, тил системасининг нутқда реал қўлланилиши ҳозирги кун муаммоларидан бири.

2. Лексик, семантик ва синтактик деривациянинг илмий талқини чех, поляк, немис, шунингдек, рус тилшунослигида айни пайтда долзарб масалалардан бирига айланмоқда. Бунинг далилини тадқиқотимизда келтирилган тилшуносларнинг бу соҳада эълон қилинган ишларида кузатамиз.

3. Гап кенгайишида деривацион жараёни араб ва ўзбек тиллари материалида ҳам кузатиш мумкин.

4. Туб структура гапнинг синтактик структураси шаклланиши учун базал структура вазифасини бажаради.

5. Ўзбек тилидаги сингари араб тилида ҳам гап шакли аппликатив модел асосида кенгаяди.

6. Араб ва ўзбек тиллари материаллари асосида туб структура замирида таянч структура, таянч структура асосида ҳосила структура, ҳосила структура асосида яна ҳосила структуралар шаклланиши мумкинлиги далилланди.

7. Гап шакли аппликатив усул асосида кенгайганда, деривациянинг ҳар бир янги босқичида олдинги дериват операндга айланади ва унинг оператори инкор этилиб, янги оператор фаоллик кўрсата бошдайди. Бу ҳолат араб тилида ҳам кузатилади.

Дириватология соҳаси тилшунослик фанида энлигина кун тартибига кўйилаётган долзарб муаммолардан бири саналади. Шундай экан, мазкур йўналиш масалалари талқинини институтда нафақат магистрларга, балки талабаларга ҳам чуқурроқ ўргатилиши тарафдоримиз. Зеро, дириватология муаммолари нафақат ўзбек, балки жаҳон тилшунослигида ҳам энг долзарб муаммолардандир.

Ҳозирда дириватология муаммолари фақатгина битта тил доирасида ўрганилмоқда. Бу соҳада тадқиқотлар олиб борилиб, монографик ишлар ёзилмоқда. Аммо дириватологияга оид масалаларни тиллараро қиёслаб ўрганилса ва йирик-йирик монографик ишлар ёзилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Илмий адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Шарқ, 1998.
2. Абдурахмонов Ғ. А. Ўзбек тили грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996, 246 б.
3. Арнольд И. В. Стилистика современного английского языка.- Л.: Просвещение, 1973, 303 с.
4. Бенвенист Э. Уровни лингвистического анализа // Новое в лингвистике. – М., 1965, 590 с.
5. Бенвенист Э. Общая лингвистика. – М.: Прогресс, 1974, 447 с.
6. Валгина Н.С. Современный русский язык. Синтаксис. – М.: Высшая школа, 2003, 423 с.
7. Ван Дейк Т. А. Язык. Познание. Коммуникация.- М.: Прогресс, 1989, 311 с.
8. Вардуль И. Ф. Основы описательной лингвистики (синтаксис и супрасинтаксис). – М.: Наука, 1977.
9. Виноградов В.В. Избранные труды. Исследование по русской грамматике. – М.: Наука, 1975, 559 с.
10. Гак В.Г. Высказывание и ситуация // Проблемы структурной лингвистики – 1972. – М.: Наука, 1973, 599 (349-372).
11. Гвоздев А.М. Современный русский литературный язык. Ч.1. Изд.2. - М.: Просвещение, 1973, 432 с.
12. Ельмслев Л. Прологомены к теории языка // Новое в лингвистике, вып. 1. – М., 1960, 462 с. (264-381).
13. Звегинцев В.А. Предложение и его отношение к языку и речи.- М.: Изд. МГУ, 1976, 307 с.

14. Касевич В.Б. Семантика. Синтаксис. Морфология. – М.: Наука, 1988, 308 с.
15. Кубрякова Е.С. Номинативный аспект речевой деятельности.-М.: Наука, 1986, 157 с.
16. Леонтьев А.А. Высказывание как предмет лингвистики, психолингвистики и теории коммуникации// Синтаксис текста.-М.: Наука, 1979, 368 с. (18-36).
17. Лингвистический энциклопедический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1990, 683 с.
18. Ломтев Т.М. Структура предложения в современном русском языке. - М., 1979, 198 с.
19. Мельников Г.П. Принципы системной лингвистики в применении к проблемам тюркологии // Структура и история тюркских языков.- М.: Наука, 1971, 311 с. (121-137).
20. Мигирин В. Н.Язык как система отображения.–Кишинёв,1973, 237с.
21. Мирзаев М., Усмонов С.,РасуловИ. Ўзбек тили.- Тошкент: Ўқитувчи, 1966, 262 б.
22. Мурзин Л. Н. Основы дериватологии. – Премь, 1984,55 с.
23. Мышкина Н.Л. Лингводиnamика текста: Контрадиктно-синергетический подход// Автореф. докт. дис.-М., 2000, 44 с.
24. Николаева Т.М. О функциональных категориях линейной грамматики // Синтаксис текста. – М.: Наука, 1979, 368 с. (37-48).
25. Николаева Т.М. Интонация сложного предложения в славянских языках.- М.: Наука, 1969, 286 с.
26. Нурмонов А., Махмудов Н., Ахмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент: Фан, 1992, 292 б.
27. Нурмонов А. Лингвистик таълимотнинг янги босқичи // Ўзбек тили ва адабиёти, 2008, № 6. (50-54 б.).
28. Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении.- М.: Госучпедгиз, 1936, 511 с.

29. Потебня А. А. Из записок по русской грамматике, Т-4. - М.- Л., 1941, 406 с.
30. Расулов И. Предикативлик ва модаллик ҳамда уларининг ўзаро муносабатига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1972, № 4. (26-33).
31. Реферовская Е.А. Лингвистические исследования структуры текста.-Л.: Наука, 1983, 214 с.
32. Сайфуллаев А.Р. Семантико-грамматические особенности членов предложения в современном узбекском языке. - Ташкент: Фан, 1984, 125 с.
33. Сайфуллаев А. Р. Ҳозирги ўзбек тилида гап бўлақларининг семантикаси ва грамматикаси. – Тошкент : Фан, 2000, 127 б.
34. Сайфуллаев А.Р. Семантика и грамматика членов предложения в современном узбекском языке. // Автореф.- док. дис. – Ташкент, 2001.
35. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик.- Жиззах: Сангзор, 2006, 91б.
36. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. - Тошкент : Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008.
37. Серебренников Б.А. О материалистическом подходе к явлениям языка. – М.: Наука, 1983, 319 с.
38. Сильман Т.И. Синтактико-стилистические особенности местоимений// Вопросы языкознания, 1970, № 4.
39. Сильман Т.И. Проблемы синтаксической стилистики (на материале немецкой прозы). - Л.: Наука, 1967, 152 с.
40. Солганик Г.Я. Синтаксическая стилистика. - М.: Высшая школа, 1973, 213 с.
41. Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование.-М.: Наука, 1971,292 с.
42. Соссюр Ф.де. Труды по языкознанию. - М.: Прогресс, 1977, 695 с.
43. Соссюр Ф. де. Заметки по общей лингвистике.- М.: Прогресс, 1990, 275 с.
44. Степанов Ю.С. Основы общего языкознания.- М.: Просвещение, 1975, 271 с.

45. Тожиев Ё. Ўзбек тилида гап ва гап бўлакларининг мақоми масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 2005, № 4. (49-54).
46. Турниёзов Н.Қ. Ўзбек тили деривацион синтаксисига кириш. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1990, 60 б.
47. Турниязов Н.К. Синтаксическая деривация гипотаксиса в современном узбекском языке // Автореф. докт. дис. - М., 1985, 45 с.
48. Турниёзов Н.Қ. Назарий грамматикадан очерклар. – Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 1998, 48 б.
49. Турниёзов Н. Гап бўлаклари ҳақида баъзи мулоҳазалар // Хорижий филология, 2004, № 4. (17-19).
50. Турниёзов Б. Тенг компонентли мураккаб қурилмалар синтактик деривациясига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 2002, № 6.(61-63).
51. Турниёзов Б. Ҳозирги ўзбек тилида тенг компонентли мураккаб синтактик қурилмалар деривацияси. – Самарқанд, 2008, 83 б.
52. Французко – русский словарь. – М. : Госиздат. Иностраннх и национальных словарей, 1960, 902 с.
53. Хайруллаев Х.З. Сўз, сўз бирикмаси ва гапнинг предикативликка муносабати // Номз. дис. авт. – Тошкент, 2001, 25 б.
54. Хайруллаев Х. Тил бирликларининг поғонали муносабати. – Тошкент : Фан, 2008, 98 б.
55. Хайруллаев Х. Нутқ бирликларининг поғонали муносабати. – Самарқанд, 2008, 78 б.
56. Храковский В.С. Трансформация и деривация // Проблемы структурной лингвистики -1972.- М.: Наука, 1973, 599 с. (489-507).
57. Черемисина М.И. Некоторые вопросы теории сложного предложения. – Новосибирск: Наука, 1979, 82 с.
58. Шахматов А.А. Синтаксис русского языка. Изд. 2 . – Л., 1941, 620 с.
59. Шведова Н. Ю. Очерки по синтаксису русской разговорной речи. - М., 1983, 377 с.

60. Ширяев Е.Н. Основы системного описания бессоюзных сложных предложений // Вопросы языкознания, 1984, № 1. (55-65).
61. Яхшибоев Ғ.Х. Ҳозирги ўзбек тилида содда гап синтактик деривацияси // Номзодлик дис. автореферати. – Самарқанд, 2004.
62. Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2001, 172 б.
63. Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек сўзлашув нутқи. II қисм. – Самарқанд, 2006, 144 б.
64. Ғаффоров А.А. Ҳозирги ўзбек тилида парцеллятив ва иловали курилмаларнинг синтактик деривацияси // Номзод. дис. автореф. - Самарқанд, 1997, 26 б.
65. Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент : Ўқитувчи, 1987.
66. Ҳақимов М. Х. Ўзбек илмий матнининг синтагматик ва парадигматик хусусиятлари // Номз. дис. автореф.- Тошкент, 1993, 27 б.
67. Ҳақимов М. Х. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини // Докт. дис. автореф.- Тошкент, 2001, 49 б.
68. Халидов Б. З Учебник арабского языка. Тошкент: «Ўқитувчи», 1981.
69. Иброҳимов Н. Араб тили грамматикаси. Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, I жилд. 1997.
70. Иброҳимов Н. Араб тили грамматикаси. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи, II жилд. 2004.
71. Халидов Б. З. Араб тили дарслиги. Тошкент: «Фан», 2007.
72. Ҳасанов М. Араб тили дарслари. // Ўқув қўлланма Тошкент: «Ниҳол», 2007.
73. Маматоҳунова Д.К. Араб филологиясига кириш. Тошкент, 2010.
74. Абдужабборов А. Араб тили. Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт – матбаа бирлашмаси, 2007.
75. Талабов Э. Араб тили дарслиги. Тошкент: «Ўқитувчи», 1993.

76. АН – НАЪЙМ. //Арабча-ўзбекча луғат Тошкент: «Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти », 2003.

77. АС – СУЛТОН// Ўзбекча-арабча луғат Тошкент: «Ҳилол нашр»МЧЖ нашриёти, 2011.

78. Иброҳимов Б. Ўзбекча-арабча сўзлашгич. Тошкент: «Ўқитувчи»,1995.

79. Суннатуллоҳ Бекпўлат. Мабдаъ ул- қироат. //Ўқиш асослари. Тошкент: «Мовароуннаҳр», I китоб. 2005.

80. Суннатуллоҳ Бекпўлат. Мабдаъ ул- қироат. //Ўқиш асослари. Тошкент: «Мовароуннаҳр», I I китоб. 2005.

Бадий адабиётлар рўйхати

1. Суннатуллоҳ Бекпўлат. Мабдаъ ул- кироат. //Ўқиш асослари. Тошкент: «Мовароуннаҳр», I китоб. 2005.
2. Суннатуллоҳ Бекпўлат. Мабдаъ ул- кироат. //Ўқиш асослари. Тошкент: «Мовароуннаҳр», I I китоб. 2005.
- 3.Абдулла С. Мавлоно Муқимий. – Тошкент: «Тошкент» бадий адабиёт нашриёти, 1966.
- 4.Али М. Сарбадорлар. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Нашриёт- матбаа бирлашмаси, 1992.
- 5.Айний С. Судхўрнинг ўлими.- Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1965.
6. Аҳмад С. Уфқ . – Тошкент: «Шарқ», 1997.
7. Дилмурод А. Маҳмуд Торобий. - Тошкент: «Шарқ», 1998.
8. Ёқубов О. Диёнат. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978.
9. Ёқубов О. Кўҳна дунё. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.
10. Ёқубов О. Улуғбек хазинаси. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994.
11. Мирмуҳсин. Меъмор. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975.
- 12.Мирмуҳсин. Темурмалик. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.
- 13.Мухтор А. Опа-сингиллар. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971.
- 14.Қаҳҳор А. Адабиёт муаллими. // Ўзбек ҳикоялари антологияси. – Тошкент: «Шарқ», 1997.
- 15.Қодиров П. Юлдузли тунлар. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.
- 16.Қодирий А. Ўткан кунлар. - Тошкент, 2003.

17. Ғулом Ғ. Менинг ўғригина болам. // Ўзбек ҳикоялари антологияси. – Тошкент: «Шарқ», 1997.

Луғатлар

1. АН – НАЪИМ. //Арабча-ўзбекча луғат Тошкент: «Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти », 2003.
2. АС – СУЛТОН// Ўзбекча-арабча луғат Тошкент: «Ҳилол нашр»МЧЖ нашриёти, 2011.
3. Иброҳимов Б. Ўзбекча-арабча сўзлашгич. Тошкент: «Ўқитувчи»,1995.